

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

КРЕДИТ-ИҚТИСОД ФАКУЛЬТЕТИ

АУДИТОРЛИК РИСКЛАРИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРА-
ТАДБИРЛАРИ

КУРС ИШИ

Илмий раҳбар: к.ўқ. Эрназарова М.

Бажарди: Равшанов М. КБИ-94

ТОШКЕНТ-2015

Режа:

Кириш

- 1. Аудиторлик фаолиятини ташкил этишнинг назарий асослари.**
- 2. Аудиторлик rischi тушунчаси , мазмуни ва турлари.**
- 3. Банкларда аудиторлик riskини бошқаришни назорат қилиш масалалари**

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Кириш

Сўнгги йилларда республикада банк аудитига бунчалик катта эътибор қаратилаётганининг ўз сабаблари бор. Чунки давлат назорати органларининг тижорат банкларининг операцияларни ўтказиш ва уларнинг ҳисобини расмий жихатдан олиб боришига қўйиладиган барча талабларга риоя этилиши мамлакат кредит тизимининг сифати ва ишончилигини таъминлайди. Бу талаблар, биринчи навбатда, банкларга жалб этилган омонатчилар ва мулкдорлар капиталининг йўқотишлар рискни бартараф этиш ёки уни энг паст даражага тушириш шарти билан банк операцияларининг даромадлигини мақбул даражада таъминлашга қаратилган

«Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг «Банкларда ҳисоб юритиш ва ҳисобот, банкларни назорат қилиш»¹ деб номланган ВИ —бобида банкларда бухгалтерия ҳисоби юритиш ва ҳисобот қоидалари Марказий банк томонидан Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва халқаро стандартларга мувофиқ белгиланиши, Марказий банк қонун ҳужжатларига мувофиқ банклар фаолиятини назорат қилиб бориши айтилган. қонуннинг 43- моддаси бутунлай аудитга бағишланиб, унда шундай дейилади «Банкларнинг фаолияти қонун ҳужжатларига мувофиқ аудиторлик текширишларини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган аудиторлар томонидан ҳар йили текшириб турилиши лозим. Аудит, хусусан, капиталнинг етарлилигини баҳолаш, ссудаларни таснифлаш, ссудалар бўйича зарарларни қоплаш, рискни ва ликвидлиликни ўлчашни ўз ичига олади. Банклар қонун ҳужжатларига мувофиқ ички аудиторлик дастурларини ишлаб чиқишлари ва амалга оширишлари ҳам шарт».

2014 йилда республика банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришда асосий эътибор Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли Қарори билан

¹«Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. 1996 й.25 апрель. 23 б.

тасдиқланган «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари бўйича комплекс чоратadbирлар» Дастури республика молия-банк тизимини ривожлантиришга оид бошқа қарорларида белгиланган вазифаларни бажаришга қаратилди.²

Тижорат банкларида сифатли аудит текширувларини ўтказилишини таъминлаш мақсадида Марказий банк томонидан Жаҳон банки мутахассислари билан биргаликда ташки аудит текширувларини ўтказишга техник топшириқлар ишлаб чиқилиб, барча аудиторлик фирмалари ва тижорат банкларига етказилди. Шунингдек, республикада хизмат кўрсатаётган тижорат банклари фаолиятига реал баҳо бериш, банк тизимига бўлган ишончни мустаҳкамлашда банкларда аудиторлик текширувлари сифати ва таъсирчанлигини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлигини холисона таҳлил этилишини таъминлаш ва аудит текширувларини халқаро андозалар даражасида ташкил этиш мақсадида 1999 йил 18 сентябрда Марказий банкнинг “Ўзбекистон Республикасида банкларни аудит қилиш тўғрисида” 1998 йил 4 июлдаги 403-сонли Низомига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Юқорида номлари кўрсатиб ўтилган Низомлар асосида Марказий банкда аудиторларга сертификатлар бериш ва аудиторлар малакасини аттестация қилиш бўйича комиссия тузилган бўлиб, мазкур комиссия томонидан бугунги кунда 4 та нуфузли халқаро аудиторлик фирмалари Артур Андерсен лимитеди, ПрайсВотерхаусКуперс, Эрнест энд Янг, КПМГ ва 3 та маҳаллий Холис Гуруҳ, Одил-аудит, Ўзбанкаудит каби аудиторлик фирмаларига банк аудити ўтказиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар берилди.

Мазкур аудиторлик фирмалар томонидан амалдаги қонунчиликка

²2014 йилда пул-кредит соҳасидаги вазият ва монетар сиёсатнинг 2015 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари

асосан республикада фаолият кўрсатиб келаётган тижорат банкларида ташқи аудит текшируви ўтказилиб, текширув якунлари бўйича баланс, фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисоботлар матбуотда эълон қилиниб борилмоқда.

Аудиторлик фирмаларининг банклардаги аудит текширувлари бўйича тақдим этган хулосалари Марказий банк томонидан таҳлил қилиниб, аудит текшируви хулосаларида кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш, тижорат банклари фаолиятини кучайтиришга доир тавсияномаларни бажарилишини таъминлаш мақсадида Марказий банк томонидан тижорат банклари Кенгашлари ва Бошқаруви раисларига аниқ, кўрсатмалар берилди ва ушбу кўрсатмаларни бажарилиши қаттиқ назорат остига олинди.

Айни пайтда, Марказий банк томонидан банкларда аудит ўтказиш ҳуқуқига эга бўлган аудиторлик фирмалари ўртасида соғлом рақобатни кучайтириш мақсадида республикада фаолият кўрсатаётган бошқа аудиторлик фирмаларини банкларда аудит ўтказиш жараёнига жалб этиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Шунингдек, банк тизимини иқтисодиётда тобора кучайиб бораётган ўзгаришлар билан баравар қадам ташлаш, тижорат банклари ходимларининг билим ва кўникмаларини ошириб бориш мақсадида Жаҳон банк экспертлари билан ҳамкорликда Марказий банк томонидан ташқи аудит масалаларига бағишланган семинарлар ўтказилди.

Шунингдек, Ўзбекистан Республикаси Марказий банкининг 1998 йил 4 июль 405-сонли тижорат банкларининг ички аудитига қўйиладиган талаблари тўғрисидаги Низомига мувофиқ, барча тижорат банкларида ички аудит хизмати ташкил этилган.

1. Аудиторлик фаолиятини ташкил этишнинг назарий асослари.

Инсоният тарихига бир назар солсак, жамият ривожлана бориши билан бирга жамиятда бўлаётган ходиса ва воқеаларнинг келиб чиқиш сабаблари, кутилиши мумкин бўлган ўзгаришларни ўрганувчи бир қатор табиий, иқтисодий ва гуманитар фанлар шакллана бошлади. Бу фанлар билан бирга иқтисодиёт фани ҳам жамиятда юз бераётган иқтисодий ҳодисаларни ўрганиш, уларни таҳлил қилиш ҳамда жамиятдаги моддий неъматлар яратишдан тортиб, уни истеъмоли билан боғлиқ муаммоларни ўргана бошлади.

Бутун дунёда жамиятнинг тузилиши қандай бўлишидан қатъий назар унинг аъзолари инсонлар ўзларининг эҳтиёжларини қондириш ва ҳаётлари учун зарур бўлган ноз-неъматларни яратиш устида изланишлар олиб борадилар. Бу изланишлар натижасида жамият ривожланиши шакллана бошлайди. Шу билан бирга жамият аъзолари яъни кишилар, гуруҳлар, ташкилотлар ва мамлакатлар ўртасида ўзларида мавжуд бўлган ресурслардан фойдаланиб юкори даромад олишга эришиш ва олинган даромаддан самарали фойдаланиш орқали барқарор турмуш тарзини яратишга бўлган интилиш кишилар ўртасида иқтисодий рақобат курашини келтириб чиқаради.

Бу рақобат кураши жамият ва иқтисодиётнинг ривожланишига кўринмас куч сифатида доимо туртки беради ва иқтисодиёт ва жамият шу рақобат кураши орқали ривожланади.

Аудит фанининг шаклланишига бир назар солсак, аудитнинг тарихий ватани Англия бўлиб, 18 асрнинг ўрталаридан бошлаб Англияда аудиторлик ташкилотлари тўғрисида бир қатор қонунлар қабул қилинган. Ушбу аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонунларга мувофиқ акциядорлик ташкилотларда корхона ва ташкилотларнинг бошқарувчилари зиммасига бир йилда камида бир марта бухгалтерия хисоб варақларини текшириш ва

акциядорлар олдида ҳисобот бериш учун махсус одам таклиф қилиш вазифаси юклатилган эди.

Аудит тўғрисидаги қонун Англияда 1862 йилда чиққан. Худди шундай қонун 1867 йилда Францияда ҳам қабул қилинган. Америка Қўшма Штатларида аудитнинг иқтисодиёт учун зарур эканлиги 1937 йилга келиб тан олинди ва тегишли қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Аудиторлик фаолияти бизнинг мамлакатимизда янги фаолият турларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистонда аудит 90-йилларнинг бошида – мустақилликка эришилгандан сўнг ва бозор иқтисодига ўтиши билан ривожлана бошлади. Нодавлат секторида корхоналар вужудга келиши билан аудиторлик фаолияти хизматига талаб юзага келди, чунки бозор структуралари ўзларининг фаолиятларига мустақил баҳо берилишига эҳтиёж сездилар.

Ўзбекистонда аудитни ривожланишига кадрларни тайёрлаш ва нормалар ишлаб чиқиш фаолияти билан шуғулланувчи Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар Ассоциацияси катта ҳисса қўшди. Аудитни ривожланишида аудиторларнинг профессионал тайёргарликлари муҳим рол ўйнайди.

Шунга асосан юртимиз томонидан аудиторлик текширувларини ривожланиши ҳамда талаб даражасида хизмат кўрсатиши мақсадида 1992 йил декабрда қабул қилинган ва 2000 йил 26 майда янги таҳрир асосида ишлаб чиқилган «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонун ишлаб чиқилди.

Жамият ривожлана бориши билан бирга жамиятдаги иқтисодий муносабатларни ўрганиш, қилинган ишларни сарҳисоб қилиш, натижаларни ойдинлаштириш, олдиндан амалга оширмақчи бўлган имкониятларни чамалаш, келгуси ишларни режалаштириш, фаолиятни сарҳисоб қилиш ва фаолиятга баҳо бериш тизимлари ўз-ўзидан жамият учун зарурат сифатида аста секин шакллана бошлади. Шундай фаолият турларидан бири бу аудиторлик фаолиятidir.

Маълумки, тижорат банклари фаолиятига реал баҳо бериш ва омонатчилар, кредиторлар ва инвесторларнинг банк фаолияти тўғрисида аниқ маълумотларга эга бўлишларида аудит текширишлари муҳим аҳамиятга эгадир.

Жамиятдаги муносабатларда аудитнинг зарурияти ҳисобот бериш концепцияси талаблари бажарилиши юзасидан келиб чиқади. Бу бир томон иккинчи бир томонга ҳисобот бериш ва мажбурият бажарилишини назорат қилишни эътироф этади ва бу назорат маълум бир маълумот, тушунтириш ёки ҳисобот олишни назарда тутди. Ҳисобот бериш қўйи бўғин бошқарувчилари юқори бўғин бошқарувчиларнинг акциядорларга ҳисобот бериши кераклигидан келиб чиқади. Шунинг учун аудит назоратнинг механизми сифатида юзага келади ва ҳисобот беришнинг бажарилишига ва уларнинг ойдинлаштирилишига ёрдам беради.

Аудит орқали воситачилик шартномалари амалга ошади, чунки бунда воситачининг фаолияти назорат қилинади. Тўғри маълумотлар олишда, берилаётган ахборотдаги ноаниқликни аниқлашда аудит яна ҳам зарурдир. Аудит қабул қилинаётган қарорлар сифатини ва корхона активларини тақсимланишини яхшилашга ҳам ёрдам беради. Яна аудитга суғурта кафолати бажарилишини таъминлайдиган чора сифатида қаралади.

Бозор муносабатларининг ривожланишини ва иқтисодий эркинлаштириш натижасида аудиторлик фаолияти тез суръатлар билан ривожланиб тафтиш тушунчасини сиқиб чиқармоқда.

Аудит ва тафтиш тушунчалари кенг маънода хўжалик юритувчи субъектлар билан молия-хўжалик фаолияти устидан ўрнатиладиган иқтисодий назоратни ташкил этиш усуллари ҳисобланади. Аудит ўтказишда ҳужжатли ва ҳақиқий тафтишнинг айрим амаллари, айрим ҳисоб объектларини тафтиш қилиш усулларидан фойдаланилади.

Аудит хўжалик субъектининг оммавий молиявий ҳисоботини тўғрилигини, тўлиқлигини, бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботлар тўғрисидаги қонун ва талабларга жавоб беришини аниқлаш

мақсадида ўтказиладиган мустақил экспертиза ва таҳлилни билдиради. Бундан ташқари аудит яна бошқа назорат ишларини ўз ичига олади.

Аудитнинг асосий фаолияти субъектнинг иқтисодий аҳволига боғлиқ фактларни йиғиш ва баҳолашдир. Юқоридагиларни ҳисобга олиб аудитнинг асосий фаолият турларини кўришимиз мумкин.

Биринчидан, ҳар қандай аудиторлик фаолиятини юритишнинг мажбурий шарти бўлиб унинг чегараси ҳисобланади. Бундай чегаралар муайян иқтисодий субъектнинг ўлчамлари ёки тармоқ аудитида маълумот тизимини текшириш билан аниқланади.

Иккинчидан, аудитор аудит объекти ва уни ўтказилишидан манфаатдор бўлганлар ўртасидаги «ахборот бўшлигини» тўлдиришга ҳаракат қилади. Бу асосан ҳисоботларда айрим маълумотларни етишмаслиги ёки ҳисоботдаги маълумотлар ишончлилиги билан баҳолаш қарор қабул қилиш учун фойдаланиш мумкин бўлмаган ҳолда.

Учинчидан, аудит ўтказаётган шахсларнинг малакаси асосий шартлардан ҳисобланади. Аудитор керакли маълумотларни йиғиш ва ўлчовларни тушуниш орқали маълумотларни баҳолашни яхши билиши керак. Бундан ташқари, аудитордан муомала меъёрларига риоя қилиш талаб қилинади, яъни у ўзини мустақиллигини сақлаш ва ташқи ҳамда ички таъсирларга қарши тура олиши керак.

Ўзбекистонда аудитнинг таркиб топиши мисилсиз тарихий ўзгариш бозор иқтисодиётига ўтиш билан изоҳланади. Чунки бозор иқтисодиётида тадбиркорлик субъектини бошқариш вазифаси профессионал менежерлар қўлига ўтди, натижада ташкилот молиявий ҳолатини мустақил назорат қилишга эҳтиёж туғилди. Капиталларни жамлашда акциялаштириш, қимматли қоғозлар бозорининг ривожланиши, корпоратив бошқарув тизимининг йўлга қўйилиши мустақил молиявий экспертиза натижалари ошкоралигини таъминлаш заруратини туғдиради. Чунки молиявий ҳисоботлар ташкилот билан алоқада бўлган барчани, яъни раҳбарлар, ходимлар, мижозлар, мулкдорлар, кредиторлар, инвесторлар, давлат ва

хокимият органларини мустақил аудиторлар тасдиқлайдиган ахборотлар қизиқтиради, ҳисоботлар бошқа ташкилотларнинг банклар билан ҳамкорлик қилиши учун ишонч уйғотади. бинобарин мамлакатимизда аудит турли гуруҳларнинг қизиқиши ва талабларига жавоб тариқасида пайдо бўлди.

Тижорат банкларида ўтказилаётган аудиторлик текширишлари сифати ва таъсирчанлигини ошириш, ташқи аудит фаолиятини такомиллаштириш, аудиторлик фирмалари ўртасида эркин ва соғлом рақобат муносабатларини кучайтириш ҳамда аҳоли ва сармоядорларнинг банк тизимига бўлган ишончини янада ошириш мақсадида 1996 йил 24 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк аудити тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинган эди. Мазкур фармон талабларини бажарилишини таъминлаш ва Республикада банк аудитини мустаҳкамлаш мақсадида ўтган давр мобайнида Марказий Банк томонидан бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси банк тизимига кирувчи тижорат банклари аудитини ўтказиш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш мақсадида тижорат банкларига лицензиялар бериш ва улар фаолиятини тартибга солиш департаменти таркибида “Аудитни мувофиқлаштириш бўлими” ташкил этилди. Шунингдек, мазкур Фармонга мувофиқ тижорат банкларида аудит текширувларини ўтказиш, аудиторлик фирмалари ва аудиторларга банкларда аудит ўтказишга рухсат беришнинг ҳуқуқий асосларини яратиш мақсадида Марказий Банк томонидан “Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг банк аудитини ўтказишга қўядиган талаблари тўғрисида”ги, “Банк аудитини ўтказиш ҳуқуқини берувчи сертификатни бериш, бекор қилиш ва аудиторларни малака аттестациясидан ўтказиш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси банк аудитини ўтказиш учун сертификат бериш ва аудиторларни малака аттестациясидан ўтказиш комиссияси тўғрисида”ги Низомлар ишлаб чиқилди. Фармоннинг 1-банди 3-хат бошисига асосан Республика ҳудудида иш юритувчи аудитор фирмалари ва аудиторларга тижорат банкларида аудиторлик текширишларини ўтказиш ҳуқуқини берувчи 6 та сертификатлар

хамда 10 та малака сертификатлари берилди. Фармондан кейин “Ўзбекистон Республикаси Марказий Банк аудитини ўтказиш учун сертификат бериш ва аудиторларни малакаси бўйича атестация комиссияси” тамонидан қуйидаги халқаро аудиторлик консалтинг фирмаларига банк аудитини ўтказиш ҳуқуқини Ббрувчи тегишли сертификатлар берилган:

1. “Куперс энд Лайбранд” (2-сонли сертификат (лицензия) Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1996 йил 14 ноябрда берилган);
2. АОЗТ “Делойт энд Туш” (3-сонли сертификат (лицензия) Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1996 йил 14 ноябрда берилган);
3. “Артур Андерсен” (4-сонли сертификат (лицензия) Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1996 йил 14 ноябрда берилган);
4. “Эрнест энд янг” (5-сонли сертификат (лицензия) Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1996 йил 30 декабрда берилган);
5. “Кей Пи ЭМ Джи” (6-сонли сертификат (лицензия) Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1996 йил 30 декабрда берилган);

Ушбу аудиторлик фирмалари банк ва молия соҳасида консалтинг хизматлари кўрсатиш ва аудит ўтказиш бўйича дунёда етакчи ўринларни эгаллайди. Бундан ташқари “Ўзбанкаудит” акционерлик жамиятига 1996 йил 3 октябрда банк аудитини ўтказиш ҳуқуқини берувчи 1-сонли сертификат (лицензия) ва 4 та аудиторга малака сertiфикати берилган. Тижорат банкларида аудит текширувлари ўтказиш учун жаҳон банки мутахассислари билан биргаликда техник топшириқлар ишлаб чиқилган эди ва бу техник вазифалар Марказий Банк бошқарувида 1997 йил 10 майда тасдиқланган эди. Марказий Банк бошқаруви топшириғига мувофиқ мутахассислар томонидан банк аудитини ўтказиш хусусида тузиладиган шартномаларнинг намунаси ишлаб чиқилди ва 1996 йил 16 декабрдаги 416-сонли фармойишига асосан аудиторлик фирмалари билан тижорат банкларида аудит ўтказиш учун шартномалар тузиш комиссияси тузилди. чунки Президент Фармонларига мувофиқ тижорат банкларини халқаро аудитдан ўтказиш билан боғлиқ барча харажатлар Марказий Банк ҳисобидан амалга

оширилиши керак эди. Президент фармони бажариш борасида Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларини гуруҳларга, аудитор Фирмаларига тақсимлаш, ҳамда уларда операцион аудит ўтказиш учун ташқи аудиторларга бериладиган техник топшириқларни ва аудиторлик хизматига ҳақ тўлаш тўғрисида 1997 йил майда Марказий Банк бошқарув қарори қабул қилинди. Ривожланган мамлакатлар амалиётида қўлланилаётган стандартлардан келиб чиққан ҳолда, аудитнинг мавжуд ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, айнан ички аудиторлик стандартларини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга татбиқ этиш мақсадга мувофиқдир (1-жадвал).

1- жадвал.

Халқаро ички аудиторлик стандартлари.³

Т/р.	Стандартларнинг номи
<i>СТАНДАРТЛАРНИНГ СИФАТ ТАВСИФЛАРИ</i>	
1000	Мақсади, ҳуқуқи ва мажбуриятлари
1100	Мустақиллик ва объективлик
1200	Малакали ва иш жараёнига профессионал ёндашув
1300	Кафолат ва ички аудит сифатини ошириш дастури
<i>ФАОЛИЯТ СТАНДАРТЛАРИ</i>	
2000	Ички аудит жараёнини ташкил қилиш
2100	Ички аудит фаолиятининг моҳияти
2200	Аудит топшириғини режалаштириш
2300	Аудиторлик текширувини бажариш
2400	Текширув натижалари бўйича ҳисоботларни тақдим этиш
2500	Аудиторлик текшируви натижасида олиб борилган ҳаракатларнинг назорати
2600	Банк раҳбарияти томонидан рискларнинг қабул қилиниши


Қайд этиб ўтиш жоизки ушбу стандартларни жорий қилиш жараёнини босқичма - босқич амалга оширган ҳолда, унинг дастлабки босқичида аудит хизмати тизимидаги ҳолат ва ходимларнинг малакаларига эътибор қаратиш, кейинги босқичда эса бевосита аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш орқали амалга ошириш мумкин. Ички аудит хизмати фаолиятини

³ Международные стандарты аудита и кодекс этики профессиональных бухгалтеров. 1999. - МЦРСБУ, 2000, стр.35.

такомиллаштириш, энг аввало, унинг асосини яратиш, баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш, ички назорат тизими ва усулини шакллантиришни тақозо қилади.

Ўзбекистон Республикаси банк тизимида аудиторлик фаолиятини тартибга солиш Марказий банкга юклатилган бўлиб, у банк аудити ўтказиш ҳуқуқини берувчи малака сертификатини олиш учун аттестацияни ташкил қилади, банк аудити билан шуғулланиш учун лицензия беради ва уларни бекор қилади, банк тизимида аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар қабул қилади, банк аудитини ташкил қилиш устидан доимий назоратни ташкил қилади.

1.расм.



1.расм. Аудиторлар фаолиятига таъсир қилувчи омиллар.

Аудиторлар фаолиятига таъсир этувчи омилларни ёритган муаллиф таъсир этувчи омил сифатида қуйидагиларни келтирган:

- Тижорат банклари томонидан қўйиладиган талаблар;
- Аудиторлик фаолият профессионал стандартлари;
- Аудиторлар этикаси талаблари;
- Узлуксиз профессионал тайёргарлик;
- Квалификацион имтиҳонлар;
- Аудиторлик текшируви самарадорлиги талаблари.

Аудитор ўз фаолиятни олиб борганда юқоридага омиллар унинг фаолиятига албатта таъсир қилади . Муаллиф келтириб ўтган таъсирлардан ташқари аудитор фаолиятига авваламбор республикамиз қонунчилик базасининг ўзгариши,кириб келаётган янгиликлар ҳам ўз таъсирини кўрсатиши мумкин. Аудиторлар фаолиятига таъсир этувчи омилларни янада батафсилроқ ёритиш учун республикамизда аудитнинг ривожланиш босқичларига ҳам эътибор қаратиш лозим. Бунда республикамиз олимларидан Тўлаходжаева М.М асосий ишлар олиб борганлар. Уларнинг фикрича Ўзбекистонда аудитнинг ривожланиш босқичлари 3 босқичдан иборат деб ҳисоблаган :

- 1-босқич 1992-2000 йиллар
- 2- босқич 2000-2007 йиллар
- 3-босқич 2007 йилдан ҳосирги давргача

Фикримизча юқоридаги босқичлар умумий аудит ривожланиш босқичларидан келиб чиқиб белгилангандир. Аммо банк аудитини ривожланиш босқичлари алоҳида белгиланиши лозим. Масалан 2-босқични 1996-2000 йиллар оралиғида олиши мақсадга мувофиқдир. Сабаби мамлакатимизда айнан 1996 йилдан бошлаб банк аудитига алоҳида эътибор қаратилиб, бир қатор меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилган.

Ўзбекистонда аудитнинг ривожланиш босқичлари⁴

I босқич – 1992- 2000 йиллар	- “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши - 9 та Аудиторлик фаолияти миллий стандартлари тасдиқланиши
II босқич – 2000-2007 йиллар	- “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳрири қабул қилиниши - Йўриқномалар а) Аудиторлик фаолияти билан шуғулланувчи аудиторлик ташкилотларига лицензиялаш бериш тўғрисида б) Аудиторларга малака сертификатини бериш тўғрисида - 12 та Аудиторлик фаолияти миллий стандартлари тасдиқланиши
III босқич – 2007 йилдан ҳозирги даврача	- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 апрелдаги “Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш ва кўрсатилаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги №615-сонли ва “Аудиторлик ташкилотларининг молиявий барқарорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги № 907 сонли Қарорлари қабул қилиниши - Аудиторлик ташкилотлари тўғрисидаги Йўриқноманинг тасдиқланиши - 2008 йил 1 январдан бошлаб аудиторлик текширувларига турига қараб аудиторлик фаолиятини лицензиялаш талабларини дифференциялашган тизимга ўтилиши

Манба: Тулаходжаева М.М., Пономарева А.Н. “Пути перехода к применению международных стандартов аудита в Республике Узбекистан”. Аналитическая записка. – Ташкент 2010 – 28 стр. ⁴

Хуласа қилиб шуни такидлашимиз мумкинки, Республикамизда банк аудитининг шаклланиши секин асталик билан бўлсада ривожланиб бормокда. Галдаги асосий вазифа бу аудитнинг миллий стандартларини халқаро стандарт талабларига мослаб ишлаб чиқиш ва аудитнинг халқаро стандартларини республикамиз банк аудитида қўллашдан иборат . бунинг учун дасаввал қонуний –ҳуқуқий базани шакллантиришимиз зарур бўлса, ундан кейин эса , мутахассисларни малакаларини ошириш талаб қилинади. Республикамизда аудитнинг ривожланиш босқичларига эътибор қаратадиган бўлсак, ИИИ-босқич ҳисобланган 2007 йилдан ҳозирги давргача бўлган муддатларда қабул қилинган энг асосий иш бу аудиторлик ташкилатларининг 2008 йил 1 январдан бошлаб аудиторлик текширувларига турига қараб аудиторлик фаолиятини лицензиялаш талабларини дифференциялашган тизимга ўтилиши бўлди. Бунинг қуйидаги қизмада ҳам кўриш мумкин.

2-қизма

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 04.04.2007 йилдаги № ПФ-615 сонли фармонида асосан аудиторлик фаолиятини ташкиллаштириш бўйича талаблар:



Талабларни бузганлик учун олиб қўйилган аудиторлик малака сертификатини фақатгина уч йилдан сўнг малака сертификатини олиш экзаменларини топшириб олиши мумкин



Аудитор, аудиторлик ташкилоти олдида қонунга асосан сифатсиз ўтказилган аудиторлик текшируви ва етказилган зарар учун жавобгардир



Аудитор мутахассис сифатида қатнашиши мумкин, ҳуқуқни ҳимоя қилиш ёки бошқарув органларига хизмат кўрсатганда ўзининг аудиторлик ташкилоти томонидан ҳар икки юридик шахслар ўртасида шартнома тузилиши керак

Унга кўра Ўзбекистонда фаолият юритаётган аудиторлик ташкилотлари 3 табакага ажратилди:

1. Табака аудиторлик ташкилотлари фақат аудиторлик текширувини ихтиёрий аудиторлик текширувларини олиб бориши мумкин қилиб белгиланди . Бунақа аудиторлик ташкилотларининг устав фондини энг кам иш ҳақининг 1500 бароварида қилиб белгиланди.
2. Табака аудиторлик ташкилотлари аудиторлик текширувини ихтиёрий аудиторлик текширувлари билан бирга маълум доирада мажбурий аудиторлик текширувларини ҳам ўтказиш ҳуқуқига эгардирлар. Бундай аудиторлик ташкилотларининг устав фондини энг кам иш ҳақининг 3000 бароварида қилиб белгиланди.
3. Табака аудиторлик ташкилотлари униерсал аудиторлик ташкилотлари ҳисобланиб, аудиторлик текширувининг ҳам ихтиёрий аудиторлик текширувини, ҳам мажбурий аудиторлик текширувларини ўтказиш ҳуқуқига эгардирлар. Бундай аудиторлик ташкилотларининг устав фондини энг кам иш ҳақининг 5000 бароварида қилиб белгиланди.

Бу аудиторлик ташкилотлари фаолиятини мустаҳкамлашга олиб келиди ва ўтказиладиган текширувлар сифати ошади.

2. Аудиторлик rischi тушунчаси , мазмуни ва турлари.

Аудит ва молияга оид айрим манбаларда «риск» атамаси турлича таржима қилиб қўлланилмоқда («таваккалчилик», «хатарлилик», «хавф-хатар», «тахлика», «ғов» ва ҳ. к.). Аудиторлик фаолиятига нисбатан бундай таржималар «риск» атамасининг асл моҳиятини тўлиқ очиб бермайди. Бу борада биз профессор Т. С. Маликов фикрига қўшиламыз (31. 5-бет). Умуман мураккаб илмий атамаларни уларнинг моҳиятини ифодаламайдиган таржималар билан алмаштирмасдан, биринчи марта қўлланилганида изоҳлаган ҳолда, кейинчалик аслини қўллаш мақсадга мувофиқ.

№9 - «Муҳимлик ва аудиторлик rischi» номли АФМС га мувофиқ:

Аудиторлик rischi – бу аудиторлик текшируви натижалари бўйича аудиторлар томонидан субъектив аниқланадиган, молиявий ҳисоботда, унинг ишончилиги тасдиқланганидан сўнг хатолар мавжудлигини тан олиш ёки молиявий ҳисоботда бундай камчиликлар ҳақиқатан ҳам йўқ бўлган-да, унда камчиликлар мавжуд деб тан олиниш эҳтимолидир.

Фараз қилайлик, агар аудитор салбий хулоса берса ёки хулоса беришдан воз кечса ўзини хавф-хатар остига қўймас-лиги мумкин. Аммо бу нотўғри фикр, чунончи, аудитор учун бу ҳолда мижозларини йўқотиш хавфи вужудга келади. Бундан ташқари, аудитор ҳар қандай, ҳатто, мижоз-тижорат банк молиявий ҳисоботини тўлиқ тасдиқлайдиган хулоса берганида ҳам, у шартнома мажбуриятлари билан боғлиқ хавф-хатарни ўз зиммасига олади. Аудиторлик фаолиятида учрайдиган бундай хавф-хатарлар йигиндисини кейинчалик **аудиторлик рискларнинг мақбул тўплами** деб аташ мумкин.

Маълумки, ҳар қандай малакали ва пухта ўтказилган аудиторлик текшируви ҳам аудиторлик рискини тўлиқ бартараф эта олмайди. Шунинг учун аудиторлик амалиётида унинг (аудиторлик рискининг) мақбул чегараси **5% деб қабул қилинган**. Яъни, аудиторлик ташкилоти томонидан берилган юзта аудиторлик хулосасидан бештаси мунозарали масалалар бўйича нотўғри хулосалар бўлиши мумкин. Бундай риск яъни, 5% миқдорда нотўғри хулоса бериш эҳтимоли аудиторлик ташкилоти учун муҳим ҳисобланмайди ва унинг рақобатбардошлигини пасайтирмайди. Аксинча, бу кўрсаткич (5%)ни янада пасайтиришга уриниш беҳуда куч ва маблағ сарфлашга олиб келади ҳамда рақобатбардошликка салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Умуман **аудиторлик рискининг мақбул тўпламига** қуйидаги шарт-шароитлар асосий таъсирини кўрсатади.

1. Мижоз-тижорат банк фаолияти(бизнеси)нинг қўлами. Мижоз-тижорат банкда содир бўладиган хўжалик муомалаларининг миқдори қанчалик кўп бўлса, аудиторлик rischi шунчалик юқори бўлади ва унинг молиявий ҳисоботидан шунча кенгроқ ҳажмда фойдаланиш зарур бўлади. Аудиторлик риск даражасини аниқлашда молиявий ҳисобот

маълумотларидан фойдаланувчиларнинг фикрлари асос бўлиб ҳисобланади. Масалан, агар актсиядорлик жамияти қўшимча актсия чиқаришни режалиштирмаган бўлса, у ҳолда фақат ҳақиқий актсиядорлар фикри инобатга олинади. Агар қўшимча актсия чиқариладиган бўлса, актсияларга обуна бўлувчилар фикрлари ҳам инобатга олинади. Янги актсиядорларни асосан юқори дивидендлар ва ижобий аудиторлик хулосаси билан жалб қилиш мумкин.

2. Мулкчиликнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари ҳам аудиторлик рискларнинг мақбул тўпламига сезиларли таъсир кўрсатади. Масалан, очик турдаги актсиядорлик жамиятларининг молиявий ҳисоботлари ёпиқ турдаги актсиядорлик жамиятлариникига қараганда актсиядорларининг ишончини кўпроқ қозонганлиги боис, аудиторлик рискни пасайтириши мумкин. Бу очик турдаги актсиядорлик жамиятларида ҳар хил мулкдорлар мавжудлиги билан изоҳланади. Шунингдек, актсиядорларнинг манфаатлари ҳар доим ҳам бир-бириникига мос келавермайди ва шунинг учун ҳам улар бир-бирларини назорат қилиб турадилар.

3. Кредиторлик қарзларининг миқдори ва тавсифи. Мижоз-ташкилот кредиторлари қанчалик йирик тижорат банклардан иборат бўлса, демак, унинг молиявий ҳисоботида ишонч шунча юқори эканлиги ва уни текшириш билан боғлиқ таваккалчилик хатари шунчалик паст бўлади.

Аудиторлик рискига бошқа шарт-шароитлар ҳам таъсир кўрсатади. Жумладан: мутахассисларнинг бухгалтерия ҳисобини билиши, аудиторлик текширувига умумий ёндашув, меъёрий-ҳуқуқий тизимдаги ўзгаришлар, ҳисобнинг компютерлаштирилганлик даражаси, мижоз-тижорат банкдаги ички назорат тизимининг ишончлилиги, раҳбарлар алмашилиши ва уларнинг шахсий фазилатлари, олинган натижаларни баҳолаш ва уларнинг тўлиқлиги, мазкур ташкилот фаолиятига хос бўлмаган муомалалар миқдори ва ш. к.

Демак, *аудиторлик рискларнинг мақбул тўплами деганда, ўтказилган аудиторлик текширувлари натижасида янглиш мулоҳазага келиш ва натижада, нотўғри аудиторлик хулосаси тузиш эҳтимоли(хавфи)*

тушунилади.

Юқорида баён этилганидек, **аудиторлик рискларининг мақбул тўплами** бир қанча рисклардан иборат.

Умумий аудиторлик амалиётида **аудиторлик рискларининг мақбул тўплами**га қуйидагича ёндашув ишлаб чиқилган ва улар инглиз тилидаги аббревиатураси (бош ҳарфлари) бўйича қуйидаги формула кўринишида ифодаланган:

$$ДАР = ИР * СР * ДР$$

ДАР (Десиред аудит риск) – АРМТ (аудиторлик рискларнинг мақбул тўплами);

ИР (Интернал риск) – ИХР (ички хўжалик rischi);

СР (Сонтрол риск) – НР (назорат rischi);

ДР (Детестион риск) – АР (аниқланмаслик яъни хатолар ва молиявий ҳисоботдаги камчиликларнинг аниқланмаслик rischi).

Демак, аудиторлик рискларининг мақбул тўплами (АРМТ) ни ва уни ташкил этувчи таркибий қисмлар (ИХР; НР; АР)ни батафсил баён қилиш ва моҳиятини ўрганиш учун қуйидаги формула кўринишида ифодалаймиз ҳамда унинг таркибий қисмларини алоҳида кўриб чиқамиз:

$$АРМТ = ИХР * НР * АР$$

Ички хўжалик rischi –ИХР (ИР-Интернал риск) – бу мазкур бухгалтерия счётида, баланс моддасида, бир турдаги хўжалик муомалалари гуруҳида яхлитланганда, хўжалик юритувчи субъект ҳисоботида муҳим камчиликларнинг, бундай камчиликлар ички назорат тизими воситалари ёрдамида аниқлан-гунга қадар ёки ички хўжалик назорати умуман йўқ бўлганда, аудитор томонидан субъектив тарзда аниқланиш эҳтимоли тушунилади. Ички хўжалик riskини баҳолашда аудитор бир неча гуруҳ омилларни эътиборга олиши лозим.

Биринчи гуруҳга кирувчи омиллар ишлаб чиқаришни юритиш шарт-шароитлари ва услублари билан боғлиқ бўлиб, уларга қуйидагилар киради:

Қаттиқ рақобат; ишлаб чиқариш технологиясининг тез ўзгариб туриши; янги ахборот-коммунакатсия технологияларининг жорий этилиши; тармоқнинг умумий аҳволи ва банкротликлар сони; қонунчиликнинг тез-тез ўзгариб туриши; қонунда белгиланган чеклашлар ёки атроф муҳитни муҳофаза қилиш билан ёхуд бошқа шарт-шароитлар билан боғлиқ чеклашлар.

Ички хўжалик рискига таъсир кўрсатувчи иккинчи гуруҳ омиллар ***ишлаб чиқариш фаолиятининг жойлашган ўрни*** билан боғлиқ.

Учинчи гуруҳ омиллар штат ва бизнесни ташкил этиш билан белгиланади. Бу эрда қуйидагилар муҳим аҳамият касб этиши мумкин: тижорат банк раҳбарининг устунлиги (доминантлиги) ва директорлар кенгашининг самарасиз фаолияти; тижорат банк раҳбарининг молиявий муаммолари; акциядорлар ва раҳбарият ўртасидаги муносабатларда вужудга келадиган тортишув ва муаммолар натижасида раҳбарият мулкдорлар манфаатини ҳимоя қилгани ҳолда ўз мақсадларини кўзлайдилар. Булар замирида қаллоблик ва суиистеъмол қилишлар яшириниши мумкин.

Ички хўжалик рискларига таъсир кўрсатувчи омилларга қуйидагилар ҳам киритилиши мумкин:

- раҳбарият ва ходимлар малакавий даражаларининг пастлиги;
- келажакка ўта ишонч билан қараш(лоқайдлик);
- раҳбарликнинг ҳаддан ташқари майдалаштириб юборилиши оқибатида бухгалтерия устидан ягона назорат йўқолиб, у эрда ҳар бир киши масъулиятни бир-бирига юклайдилар.

Ходимлар этишмаслиги; аудитор ёки юристларнинг тез-тез ўзгариб туриши; ҳисоб юритиш ва ишлаб чиқариш хусусиятлари билан яхши таниш бўлмаган, янги ишчиларни ёллаш; қаллоблик ва суиистеъмол қилиш; хўжалик муомалаларига доир муҳим келишмовчиликлар; юристлар, маслаҳатчи-лар, агентлар ва бошқа мутахассисликларнинг бир марталик хизматлари учун ҳаддан ташқари юқори ҳақ тўланиши кабиларни ҳам ушбу гуруҳга киритиш мумкин.

Кутилмаган ва изоҳлаб бўлмайдиган муомалалар, хужжатларнинг тўлиқсизлиги, уларни расмийлаштириш ва тузатишга раҳбариятнинг норозилиги, ҳамда текширувни тез якунлаш мақсадида мижознинг аудиторга тазйиқ ўтказиши, ноқулай шароитларда ишлаш, кутулмаганда текширув муддатини кечиктириш, аудитор сўровларига раҳбариятнинг нотўғри жавоб бериши каби сабаблар бўйича аудиторлик далил-исботларини олиш билан боғлиқ мураккабликларни ҳам таъкидлаш зарур.

Тўртинчи гуруҳ омиллар даромадлар ва оператив фаолиятнинг режалари билан боғлиқ. Ушбу гуруҳ омиллар қўйида-гилардан иборат:

сотиладиган маҳсулотлар миқдори ва сифатининг пасайиши;

ишлаб-чиқариш жараёнидаги катта ўзгаришлар;

бир ёки бир неча маҳсулотларни ишлаб чиқариш, оператсиялар, дебитор ва кредиторларга ҳаддан ташқари боғлиғлик;

маркетинг сиёсатининг самарасизлиги, ишлаб чиқариш қувватларидан этарли даражада фойдаланмаслик, ишлаб чиқаришни ривожлантириш олдида нореал мақсадлар қўйилиши;

ескирган курилмаларнинг сустр алмаштирилиши ва амортизатсия ажратмаларини ҳисоблаш суръатларининг пасайиши. Ушбу гуруҳга, изоҳлаб бўлмайдиган вазиятлар масалан счётлар бўйича кутилмаган қолдиқлар, инвентаризатсия натижалари бўйича кутилмаган тафовутлар, кутилмаган айланувчанлик коэффитсенти, бундан таш-қари эса йирик ёки кутилмаган муомалалар, асосан йил охирига муҳим натижалар билан чиққан муомалаларни ҳам киритиш зарур.

Мулклар билан боғлиқ, бешинчи гуруҳ омиллар мулклар қийматининг сезиларли даражада пасайиши ва уларнинг ёмон сақланиши кабиларни ўз ичига олади.

Олтинчи гуруҳ омиллар ликвидлик ва молиялаштириш билан боғлиқ ҳолда вужудга келади; айланма маблағларнинг этишмаслиги, қарз маблағларни жалб қилиш билан боғлиқ муомалалар.

Еттинчи гуруҳга тааллуқли омиллар фавқулодда зарарлар билан боғлиқ

бўлиб, улар харид ва сотиш шартномалари, учинчи шахсларга берилган кафолатлар, ижара шартномалари, хорижлик ҳамкорлар билан муомалалар, кандайдир истисно тарзидаги вазиятлар муносабати билан вужудга келади.

Тадбиркорлик rischi ҳам ички хўжалик рискнинг таркибий қисми ҳисобланади. У аудиторлик текшируви натижаларидан манфаатдор бўлган мижозлар ва бошқа томонларнинг даъво қўзғатиш; ҳам тижорат банк ичида, ҳам бутун тармоқда вужудга келган мураккаб вазиятдан келиб чиқиб аудиторлик фаолиятдан кўрилган зарарлар эҳтимоли билан боғлиқ. Тадбиркорлик riskини баҳолаш мезонлари жадвалда келтирилган.

Юқорида баён қилинганлардан ташқари сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва технологик омилларни; ижобий жиҳатлар, камчиликлар, имкониятлар ва нохуш ҳолатларни, ҳамда «бозорга таъсир кўрсатувчи бешта куч»ни (одатда рақобат, янги рақобатчилар пайдо бўлиши, ўриндош товарлар, харидорлар ёки мол этказиб берувчилар якка ҳоқимлиги) таҳлил қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Сиёсий омилларга: тармоқларни тартибга солиш, қонунчилик, солиққа тортиш;

Иқтисодий омилларга: инфляция даражаси, банк кредитлари бўйича фоиз ставкалари, ишсизлик даражаси, валюта курси, аҳолининг «истеъмол савати»;

Ижтимоий омилларга: аҳолининг ўсиши ва ҳаракати, турмуш даражаси, соғлиқни сақлаш ва таълим, ижтимоий таъминотнинг бошқа турлари;

Техник омилларга: ахборот – коммуникатсия технологиялари, компютер тизимларини ривожлантириш, ишлаб чиқаришни механизатсиялаштириш ва автоматлаштириш даражаси, маҳсулотларни тақсимлаш кабилар киради.

Мижоз-тижорат банкнинг ижобий томонлари ва камчиликларини таҳлил қилишда ходимлар (малакавий даражаси, ишга муносабати ва тажрибаси); тижорат банк тузилмаси ва қарор топган алоқалар; маҳсулотлар (сифати, фойдаланиш муддати, даромадлилиги); ишлаб чиқариш (ишлаб чиқариш технологияси, қувват ҳажми), молияси (молиялаштириш манбаларининг мавжудлиги); тижорат банкнинг обрў-еътибори (гудвилл) ахборот таъминоти (техник, маркетинг маълумотлари).

Тадбиркорлик рискени баҳолаш мезонлари.*

Риск омиллари	Тадбиркорлик рискининг даражаси	
Тижорат банк фаолият кўрсатаётган иқтисодий вазиятни аниқлаш	Соғлом	Депрессия, стагнация
Тижорат банк фаолият кўрсатаётган тармоқ тавсифи	Барқарор, ташқи шарт-шароитлар таъсирини секин қабул қилади	Нисбатан янги, ташқи ўзгаришларга таъсирчан
Тижорат банк бошқарув сиёсати	Пассив	Актив
Назорат тизими	Маъмурий назорат яхши йўлга қўйилган	Назорат бўш; бошқарув тизилмаси кучли марказлаштирилган
Ўтган даврлар учун аудиторлик текширувлар натижалари	Ижобий хулоса	Аудиторлик текширувлари бўлмаган, ўтказилган бўлса ҳам уларнинг натижаси бўйича ёки салбий хулоса берилган ёки хулоса беришдан бош тортилган; аудиторлар тез-тез ўзгариб туради.
Раҳбарият ўзгариши	Юқори	Паст
Тижорат банкнинг молиявий аҳволи	Ишончли	Барқарор эмас
Судлашув ҳолатларининг вужудга келиш эҳтимоли	Муҳим эмас	Муҳим
Бошқарувчилар ва мулкдорларнинг обрў – эътибори	Яхши	Ёмон
Уларнинг иш тажрибаси	Юқори даражада	Паст даражада
Мулкчилик шакли	Очиқ акциядорлик жамияти (ОАЖ)	Ёпиқ акциядорлик жамияти (ЁАЖ)
Мижознинг аудиторлар роли ва маъсулиятларини тушуниши	Аниқ	Ноаниқ
Манфаатлар зиддияти, тартибга солиш муаммолари	Муҳим эмас	Муҳим
Мазкур турдаги бизнеснинг тижорат банк фаолият кўрсатаётган ҳудудга кириб келиш даражаси	Паст	Юқори ⁵

Мижоз-тижорат банкнинг имкониятлари ва хато-камчиликларини таҳлил қилиш қуйидагиларни эътиборга олишни тақозо этади: бозордаги динамика (ўсиш, пасайиш, конъюнктуранинг ўзгариши); технологиядаги ўзгаришлар (янги маҳсулотлар яратиш); иқтисодий аҳвол (кўтарилиш, пасайиш); ижтимоий омиллар (шаклланган ижтимоий институтлар ва муносабатлар); экология каби масалаларни назарда тутати.

Назорат (назорат воситалари) rischi – НР (СР-Сонтрол риск) – бу тижорат банкнинг мавжуд ва мунтазам қўлланилиб келинаётган бухгалтерлик ҳисоби тизими ва ички назорат тизими воситалари алоҳида-алоҳида ёки биргаликда муҳим аҳамиятга эга бўлган камчиликларни ўз вақтида аниқлай олмаслик ва тузата олмаслик (ёки бундай камчиликлар вужудга келишининг олдини олиш) эҳтимолининг аудитор томонидан субъектив тарзда аниқланган кўрсаткичидир.

Мижоз-тижорат банк маъмурияти самарали ички назорат тизimini ишлаб чиқишда қуйидагиларни эътиборга олиши лозим: тижорат банк мулклари ва ҳужжатларининг сақланиши; бош-қарув учун ишонарли маълумот олиш; ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш; қонун ҳужжатлари талаблари ва ҳисоб сиёсатининг қоидаларига риоя қилиниши. Ички назорат тизимининг ташкил этилиши ва фаолият кўрсатиши қуйидаги қоидага асосланилади: ички назорат тизими учун қилинадиган жами харажатлар унинг бўшлиғи сабабли мазкур даврда кутилаётган зарарлар миқдоридан ошмаслиги лозим.

Ички назорат тизimini ўрганишда қуйидаги 4 та асосий тамойилга таянилади:

1. Ички назорат тизимининг ташкил этилиши ва фаолият кўрсатиши учун маъмурият жавобгарлиги;
2. Ички назорат тизими тўлиқ бўлмасаям молиявий ҳисоботнинг этарли даражадаги ҳаққонийлиги ва ишончлилигига ишонч ҳосил қилиши.
3. Мавжуд чеклашлар: агар ички назорат тизими, унинг ишлаб чиқариш ва амалда қўлланиш хусусиятлари ҳисобга олинмаса, уни самарали деб тан

олиш мумкин эмас;

4. Ахборотни ишлаш услуги: ички назорат тизими ахборотлар қўлда ишланганида ҳам, компьютерда ишланганида ҳам, самарали ишлов беришни таъминлаши лозим.

Аниқланмаслик rischi (AP) - яъни хатолар ва молиявий ҳисоботдаги камчиликларнинг аниқланмаслик (кўзга ташланмаслик) rischi (ДР-Детектион риск) – бу аудиторлик текшируви жараёнида қўлланиладиган аудиторлик амалларининг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботда ҳақиқатан мавжуд бўлган ҳар бири алоҳида-алоҳида ёки биргаликда муҳим ҳисобланган хатолар ҳамда камчиликларни аниқлаш имкони йўқлигининг эҳтимолидир. Бундай эҳтимоллик аудитор томонидан субъектив тарзда аниқланади. Шунингдек, аудитор ишларининг сифат кўрсаткичи, аудиторнинг малакаси ва муайян аудиторлик текширувининг ўтказилиш хусусиятларига боғлиқ.

Аниқланмаслик riskини икки гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Таҳлилий риск –бу таҳлил амаллари (ишлари) бажарилганда муҳим хатоларга йўл қўйилиш riskидир. Бундай хатоларни аудитор кўриши мумкин, аммо жуда мураккаблиги ҳамда ўзининг махсус малакаси этишмаслиги сабабли тушунмасдан ўтказиб юбориши мумкин.

2. Танлашдаги риск –бу муҳим хато-камчиликларнинг назорат тестларини ўтказиш (танлаб олиш) чоғида ҳам, хўжалик муомалаларини моҳиятан текшириш чоғида ҳам аниқланмай қолиш эҳтимолидир.

Аниқланмаслик rischi - аудиторлик фаолиятининг сифати ва самарадорлигини баҳолайдиган кўрсаткич бўлиб, у муайян аудиторлик текширувини ўтказиш тартибига, ҳамда аудиторлар малакаси ва уларнинг хўжалик юритувчи субъект фаолияти билан олдиндан танишлик даражасига боғлиқ. Аудитор ички хўжалик rischi ва назорат воситаларининг riskини баҳо-лаш асосида ўз фаолиятида йўл қўйиши мумкин бўлган аниқ-ланмаслик riskини аниқлаши лозим. Аниқланмаслик rischi-нинг имкон қадар пасайтирилган кўрсаткичини ҳисобга олган ҳолда тегишли аудиторлик амалларини режалаштириши лозим.

Таъкидлаш жоизки, аудиторлик рискларининг маъбул тўпламини ташкил этувчи элементлар(ИР, СР, ДР)ни таҳлил қилишдан асосий мақсад **аниқланмаслик rischi (ДР)** ни баҳо-лашдан иборат.

4- жадвал.

Аудиторлик рисклар тўплами элементларининг ҳар хил даражадаги ўзаро боғлиқлиги.

И \ С	юқори	ўртача	паст
	Бунда рухсат этилиши мумкин бўлган аниқланмаслик рискининг даражалари қуйидагича:		
юқори	энг паст	пастроқ	ўртача
ўрта	пастроқ	ўртача	юқори
паст	ўртача	юқори	энг юқори

Бу боғлиқликни қуйидагича таснифлаш мумкин:

а) ички хўжалик rischi ва назорат воситалари rischi кўрсаткичининг юқорилиги аудитордан текширувни аниқлан-маслик rischi кўрсаткичини имкон қадар пасайтирадиган қилиб ташкил этишни ва шу билан бирга умумий аудиторлик рискини маъбул даражага келтиришни талаб этади.

б) ички хўжалик rischi ва назорат воситалари rischi кўрсаткичларининг пастлиги аудиторга текширув чоғида юқори-роқ аниқланмаслик riskига йўл қўйишига имкон беради ва шунда умумий аудиторлик рискининг маъбул кўрсаткичига эга бўлади.

3. Банкларда аудиторлик рискини бошқаришни назорат қилиш масалалари

Аудитор ишларининг сифатини назорат қилиш аудит ўтказиш ва профессионал хизмат кўрсатиш чоғида аудит стандартлари ва Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини тартибга соладиган бошқа меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя қилинишини текшириш учун қўлланиладиган

ташкилий тадбирлар, услублар ва амаллар тизимидан иборат.

Ҳар бир аудиторлик ташкилоти ишлар сифати устидан назорат ўрнатиш принтсиплари ва қоидалари, ҳамда уларни қўллаш амалларини ишлаб чиқишлари ва қабул қилишлари лозим. Бу аудит жараёнида умумқабул қилинган текширув стандартлари билан карама-қаршиликлар вужудга келмаслиги учун зарур.

Аудиторлик фаолиятининг юқори сифати унинг дастлабки, жорий ва кейинги назорати таъминлаши лозим.

Дастлабки назорат аудиторлар ва аудиторлик ташкилотларини аттестатсиядан ўтказиш ва литсензиялаш босқичида бажарилади.

Жорий назорат икки йўналишда амалга оширилади: **алоҳида аудиторлик текширувларини назорат қилиш** ва **аудитнинг умумий назорат қилиш**.

Алоҳида аудиторлик текширувларини назорат қилиш аудиторларнинг мустақиллиги, профессионаллиги ва компетентлигини таъминлашни; уларнинг ишларини жорий назорат қилишни; миждоз-тиждозат банклар бухгалтерия ҳисобининг энг муаммоли масалаларини билиш; бажарилган ишларнинг стандартларга мос келишини, ҳужжатлаштиришнинг этарлилигини, аудит мақсадига эришилганликни текширишни назарда тутати.

Аудитнинг сифатини умумий назорат қилиш аудиторнинг маълум шахсий хусусиятларига (ҳалоллик, обективлик, мустақиллик, профессионаллик, компетентлик) аудиторлик гуруҳи аъзолари ўртасида ишларнинг асосли тақсимланганлигига; сифат стандартларига риоя қилиниши бўйича аудиторларнинг ишлари устидан назоратга; сифатни назорат қилиш сиёсати ва амалларининг самарадорлиги устидан назорат ўрнатишига асосланади.

Жорий назорат қуйидаги шаклларда амалга оширилади: асосий аудиторнинг ассистентлар ишлари устидан назорати, аудиторлик ташкилотининг аудиторлар ишлари устидан назорати, ва бошқалар.

Аудиторлик ташкилотининг аудиторлар ишлари устидан назорати,

биринчидан, текширув ўтказиш дастурининг асосланганлигини муҳокама қилиш, иккинчидан, аудитнинг ташкилий-ахлоқий принтсипларига қатъий риоя қилиш, учинчидан, асосий аудитор томонидан хулоса берилганидан сўнг аудиторлик ташкилотининг бош-қа аудитори томонидан миждоз-тиждорат банк ҳисоботининг айрим кўрсаткичлари(ҳисоб бўлимлари)ни танлаб қайта текшириш ёрдамида амалга оширилади.

Аудиторлик ташкилоти ичида ишлар сифатини назорат қилиш-га талаблар ва муайян аудиторлик текшируви чоғида ишнинг талаб даражасидалигини таъминлаш **№5-«Аудитор ишининг сифатини назорат қилиш»номли АФМС**да акс эттирилган. Унга мувофиқ аудитор ишларининг сифатини назорат қилиш қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

- Асосий аудиторнинг ўз ёрдамчилари ишларини назорат қилиши.
- Аудиторлик ташкилотининг аудитор иши устидан назорати.
- Ташқи назорат.

Асосий аудиторнинг ўз ёрдамчилари ишларини назорат қилиши. Асосий аудитор аудит ўтказиш жараёнида ёрдамчилар томонидан бажариладиган ишларни доимий равишда назорат қилиб ва йўналтириб туриши лозим.

Аудитор ёрдамчиси деганда профессионаллик даражаси бўйича асосий аудитордан фарқ қиладиган ходим тушунилади.

Асосий аудиторнинг ёрдамчисидан фарқи, у аудитнинг бажарилиши учун тўлиқ жавобгардир.

Ёрдамчиларга иш топширилаётганида, улар жавобгарликлари ва бажаришлари лозим бўлган ишларнинг мақсадлари тўғрисида, ҳўжалик юритувчи субъект фаолияти ва аудиторлик амалларнинг моҳияти, ўтказиш вақти ва миқёсига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган, ҳисоб ва аудитга оид муаммолар ҳақида тегишли тарзда тушунтиришлар берилиши лозим.

Аудиторлик ташкилотининг аудитор иши устидан назорати. Аудиторлик ташкилотининг аудитор иши устидан назорати қуйи-дагилар воситасида амалга оширилади:

- Мижоз-тижорат банкда аудит ўтказиш умумий режаси ва дастурининг асосланганлигини муҳокама қилиш ва текшириш;
- Ташкилий-ахлоқий аудиторлик принтсипларига (хусусан, мижоз-тижорат банкга профессионал хизмат кўрсатган (маслаҳат берган ёки унинг бухгалтерлик ҳисобини йўлга қўйган) аудитор, яна ўша тижорат банкни текширишга юборилмаслиги ва ш.ў.) катъий риоя қилиниши;
- Асосий аудитор томонидан текширув ўтказилиб, аудиторлик хулосаси берилганидан сўнг аудиторлик ташкилотининг бошқа аудитори томонидан мижоз-тижорат банк ҳисоботининг ишончлилигини қайтадан, мижоз учун бепул, текширувдан ўтказиш.

Ташқи назорат амалдаги қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларга мувофиқ давлат органлари томонидан амалга оширилади.

Аудитор ишлари сифатини назорат қилиш иккита асосий йўналишга эга:

- Айрим аудиторлик текширувларини назорат қилиш.
- Сифатни умумий назорат қилиш.

Айрим аудиторлик текширувларини назорат қилиш қуйидаги тушунчаларни ўз ичига олади:

Ваколатларни бериш. Аудиторларнинг мустақиллигини, профессионаллигини ва компетентлилигини таъминлаш; аудиторлар учун зарур ҳисобланган фаолият эркинликларини таъминлаш; аудитнинг ёзма дастуридан фойдаланиши.

Назорат. Аудиторлар ишларининг жорий назоратини таъминлаш; тегишли тарзда (адекват) иш тутиш учун хўжалик юритувчи субъект бухгалтерлик ҳисобининг энг муаммоли масалаларини билиш.

Текшириш. Аудиторлар томонидан бажарилган барча ишларни, улар бажарилишининг стандартларга мувофиқлиги, ҳужжатларнинг этарлилиги ва аудиторлик текширувлар мақсадига эришишни таъминлаш учун текшириш.

Аудит сифатини умумий назорат қилиш қуйидаги элементларнинг мавжудлигига таянади:

Мустақиллик.Қоида ва амаллар барча поғоналар хизматчиларининг

мустақиллиги сақланганлиги ҳақида асосли ишончни таъминлашлари лозим. Ушбу талабни бажариши учун аудиторлик ташкилоти йилда бир марта ўз мижозларининг рўйхатини тарқати-ши ва ўз хизматчиларидан мустақиллик тўғрисидаги аризани имзолашларини талаб қилиши мумкин.

Хизматчиларга топшириқлар. Қоида ва амаллар ишларнинг махсус тайёргарлик ва тажрибага эга шахслар томонидан бажарилиши ҳақида асосли ишончни таъминлашлари лозим. Ушбу талабни бажариш учун аудиторлик ташкилоти ишларни олдиндан, ўз хизматчилари учун мос топшириқларни аниқлай оладиган қилиб режалаштириши керак.

Консултатсиялар. Қоида ва амаллар аудиторлик ташкилотларининг хизматчилари техник масалалар бўйича билимдон ва обрўли кишилардан ёрдам олишга интилишлари асосли ишончни таъминлашлари лозим. Ушбу талабни бажариш учун аудиторлик ташкилоти муайян шахсларни аудит, бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисобот, солиққа тортиш ва консултатсия хизматлари каби соҳаларда аудиторлик ташкилотининг эксперти қилиб тайинлаши мумкин.

Назорат.Қоида ва амаллар аудиторлик ташкилотининг жорий фаолияти унда ўрнатилган сифат стандартларига жавоб бериши ҳақида асосли ишончни таъминлашлари лозим. Аудиторлик ташкилотининг назорат амалларини ўрнатиши учун жавобгарлиги, аудит ўтказувчи, режалаштириш ва контракт бўйича муайян мажбуриятларни, бажарувчи муайян шахслар жавобгарлигидан алоҳида ажратилган. Ушбу назорат талабини бажариш учун аудиторлик ташкилоти барча иш ҳужжатларини, ҳисоботларни талаб қилишлари ва уларни текшириш учун тегишли назорат қилувчи ва техник ходимларга тақдим қилиши мумкин.

Ишга ёллаш. Қоида ва амаллар ишга ёлланган хизматчиларнинг малакали мутахассислар эканлиги ҳақида асосли ишончни таъминлашлари лозим. Ушбу назорат талабини бажариш учун аудиторлик ташкилоти минимал малакавий талабларни ўрнатиши мумкин (масалан, бухгалтерия ёзувларини бухгалтерия ихтисослиги бўйича билим даражаси яхши, ўртача ёки ўртача

бўлган коллеж битирувчиси юритиши мумкин).

Профессионаллик даражасини ошириш. Қоида ва амаллар аудиторлик ташкилотининг хизматчилари ўз хизмат мажбуриятларини бажаришлари учун этарли билимларга эгаллиги ҳақида асосли ишончни таъминлашлари лозим. Ушбу талабларни бажариш учун аудиторлик ташкилоти профессионал таълимни давом эттириш ва ўз малакасини оширишни хоҳловчи хизматчиларга ёрдам кўрсатиш учун шароитлар яратиши мумкин.

Лавозимини кўтариш. Қоида ва амаллар хизмати бўйича кўтарилаётган ходимларнинг янги лавозим эгаллашлари мумкин эканлиги ҳақида асосли ишончни таъминлашлари лозим. Ушбу талабни бажариш учун ходимларни, улар томонидан ҳар гал мажбуриятларини бажарганларидан сўнг баҳолаш ва уларнинг лавозимини энг бўлмаганда йилда бир марта кўтаришга маслаҳат бериш зарур.

Мижозларнинг маъқуллиги ва улар билан муносабатларнинг давомийлиги. Қоида ва амаллар аудиторлик ташкилоти раҳбарияти виждонини йўқотган хўжалик юритувчи субъект билан боғланиб қолмаслиги ҳақида асосли ишончни таъминлашлари лозим. Аудиторлик ташкилотининг ушбу талабни бажариши учун бўлғуси мижоз билан иш олиб борган тафтишчи, банк ходими, юрист ва бошқа шахслардан маълумот олиниши керак.

Текшириб (назорат ўтказиб) туриш. Қоидалар ва амаллар аудитор ишларининг сифатини назорат қилиш самарали ўтказилаётганлиги ҳақида асосли ишончни таъминлашлари лозим. Ушбу талабни бажариш учун ҳар бир хизматчининг мажбуриятларини танлаш, ушбу мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ бўлган, бошқа ҳамкорлар ёки хизматчилар томонидан ўтказилган бўлиши лозим. Маъмурий ишлар ва ходимлар юритадиган ишларни ҳам назорат асосида текширилиши зарур. Аудиторлик ташкилоти томонидан назорат қилиб туриш натижаларини ҳужжатлар билан тасдиқлайдиган тавсиялар билдирилиши керак. Ҳужжатлар шакли ва ҳажми аудиторлик ташкилотининг катта-кичиклиги, фаолият кўрса-тувчи бўлимлар

сони, фаолият тавсифи ва бошқа омилларга боғлиқ.

Ҳамкор ёки ҳамкорлар, хўжалик юритувчи субъект ҳажмига кўра, мазкур аудиторлик ташкилотида амал қилаётган, сифат устидан назорат қилиш тизимининг самарадорлиги учун жавобгар бўлишлари лозим. Бундай назорат қоидалари ва амаллари, ушбу қоидалар ва амаллар билан хизматчиларни хабардор қилиш амалиёти ва мажбуриятларни тақсимлаш ўз вазифаларига олдингидай жавоб беради.

Нazorat қоидалари ва амалларини белгилаш. Аудитор ишлари сифатини назорат қилиш қоидалари ва амалларининг тавсифи ва миқёслари қуйидаги шарт-шароитларга боғлиқ:

- Аудиторлик ташкилотининг ҳажмига;
- Аудиторлик ташкилоти хизматчилари ва функционал бўлинмаларининг мустақиллик даражасига;
- Амалий фаолият моҳиятига, унинг: очиқ актсиядорлик жамиятлари аудити; ёпиқ актсиядорлик жамиятлари аудити; бухгалтерия ҳисоби ва хўжалик фаолияти таҳлили соҳасидаги хизматлар; фойда солиғининг ҳажмини аниқлашга доир хизматлар; ўзаро аудит ўтказиш бўйича мажбуриятлар каби компонентларини эътиборга олган ҳолда;
- Аудитор ишларининг сифатини назорат қилиш қоидалари ва амалларини ишлаб чиқиш ва қўллаш билан боғлиқ бўлган, олинган фойдага нисбатан харажатлар даражасига.
- Аудитор ишларининг сифатини назорат қилиш қоидалари ва амалларини ишлаб чиқиш ва қўллаш билан боғлиқ бўлган, олинган фойдага нисбатан харажатлар даражасига.

Аудитор ишларининг сифатини назорат қилиш қоидалари ва амалларини ўрнатишда аудиторлик ташкилоти томонидан қуйидагилар амалга оширилиши зарур:

- Аудитор ишларининг сифатини назорат қилиш қоидалари ва усуллари амалга ошириш бўйича малакали хизматчилар ўртасида вазифаларини тақсимлаш;

- Аудитор ишларининг сифатини назорат қилиш қоидалари ва амалларини хизматчилар эътиборига этказиш;
- Қоидалар ва амаллар, уларни қўллаш услубларига ва хизматчиларга этказиш амалиётига олдингидай мос келиш-келмаслигини аниқлаш учун аудитор ишлари сифатини назорат қилиш тизимининг самарадорлигини текшириш.

Аудитор ишларининг сифатини назорат қилиш қоидалари ва амаллари ёзма шаклда ифодаланган бўлиши шарт эмас. Улар ходимларни ишга қабул қилишда оғзаки этказилиши ва аудиторлик ташкилотининг умумий мажлисида йилда бир марта такрорланиши мумкин.

Айни пайтда аудиторлик ташкилоти ўз қоидалари ва амалларини ҳужжатлар билан мустаҳкамлаши тавсия қилинади. Ҳужжатлаштириш турлари ва ҳажми, энг аввало аудиторлик ташкилотининг ҳажми ва унинг фаолияти хусусиятига боғлиқ.

Маълумки, тижорат банкларининг операциялари кўпроқ ўз капиталидан эмас, балки жалб қилган маблағлари ҳисобига амалга оширилади, демак, банк фаолияти жалб этилган маблағлар ўз капиталидан кўп бўлишини кузда тутди. Банк маблағи эгалари ва ундан фойдаланувчилар ўртасида молиявий воситачи вазифасини бажарар экан, бундан банк маблағларнинг эгаларига белгиланган муддатда сақлаш ва қайтариш мажбуриятини олади. Шундай экан, банклар ҳар йил ташқи аудит текширувларидан ўтишлари лозим.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари ташқи аудиторлик фирмаларини ўзлари ихтиёрий танлайдилар. Йилнинг октябрь ойида банклар аудиторлик фирмаларига тендер эълон қилади.

Халқаро ва миллий аудиторлик фирмалари ўз фаолиятлари, ютуқлари ва хизмат кўрсатиш нархлари хусусида банкларга маълумотномалар юборишади. Банклар икки муҳим кўрсаткич, сифат ва арзон нарх кўрсаткичлари бўйича маъқул аудиторлик фирмаларини танлайдилар ва улар билан узоғи 5 йилгача бўлган шартнома белгилайдилар. Аудиторлик

фирмаларининг хизмат кўрсатиш нархлари йил сайин арзонлашиб боради, чунки улар бу банк хусусидаги маълумотларни топиш осонлашади.

Ҳар йили Марказий банкнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида ташқи аудит ўтказишга қўйиладиган талаблари ўзгариб, мукаммаллашиб боради.

Тижорат банкларида ташқи аудитни ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 1996 йил 4 июлида тасдиқланган 403-сонли “Ўзбекистон Республикасида тижорат банкларини аудит қилиш туғрисида”ги низомга мувофиқ олиб борилади.

Бунга кўра, тижорат банклари аудиторлик текширувини ўтказиш учун Марказий банкнинг банк аудитини ўтказиш ҳуқуқини берувчи сертификатига эга бўлган аудиторлик ташкилотини мустақил танлашади.

Низомнинг 6 бўлим 3 бандида аудиторик текширувини ўтказиш учун шартнома тузишдан олдин аудиторлик ташкилоти тижорат банкка Марказий банк томонидан берилган сертификатни кўрсатиши шартлиги айтилган.

Низомнинг 5-6 бандида аудиторлик ташкилотлар ва аудиторлар банклар фаолияти натижалари бўйича ҳисобот туғрилигини тасдиқлаши, шунингдек, банклар йиллик ҳисоботида илова қилинадиган расмий аудиторлик хулосаларини бериш, аудиторлик хулосасисиз банк йиллик ҳисоботи Марказий банк томонидан қабул қилинмаслиги ва матбуотда эълон қилинмаслиги келтирилган.

Банк ва аудиторлик фирмаси ўртасида тузиладиган шартномада икки томоннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари келтириб ўтилган.

Жумладан, аудиторлик ташкилотлари ва аудиторлар қўйидаги ҳуқуқларга эга:

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки талабларига, шартномада белгиланган аниқ шартларига мувофиқ аудиторлик текширувининг шакл ва усуллари аниқ равишда белгилайди;
- Банк фаолияти тўғрисидаги барча ҳужжатларини, мавжуд моддий бойликлар ва қимматбаҳо қоғозларни текшириш, вужудга келадиган

саволлар юзасидан шарҳ ҳамда аудиторлик текширувлари учун зарур қўшимча маълумотлар олиш;

- Ёзма сўров бўйича учинчи шахслардан зарур маълумотлар олиш;
- Шартномавий асосида аудиторлик текширувида қатнашиш учун аудиторларни, аудиторлик ташкилотлари ёки уларнинг ходимларини жалб этиш;
- Текширилаётган банк керакли хужжаларни тақдим этмаган ҳолларда аудиторлик текшируви ўтказишдан бош тортиш.

Аудиторлик текширувлари ва аудиторларнинг ўзлари банк фаолияти, бухгалтерия ҳисоботларини расмийлаштириш, шунингдек, ички аудитини ташкил этиш ва амалга ошириш юзасидан консалтинг хизматлари кўрсатадиган банкларда аудит ўтказиш ҳуқуқига эга эмаслар.

Банкларнинг аудитини амалга оширадиган аудиторлар ва аудиторлик ташкилотлари қўйидагиларга мажбурдирлар:

- Аудиторлик текширувини амалга ошириш жараёнида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига, аудит услубияти ва жараёнларига амал қилиши керак;
- Аудиторлик ҳисоботида банк ва молиявий - хўжалик муомалаларини қонунийлигини бузганлигини акс эттириш ва уларни бартараф этиш бўйича маслаҳат бериш;
- Аудиторлик стандартларига асосан аудиторлик текширувларини малакали ўтказиш;
- Текширув жараёнида олинган ва тузилган хужжатларни сақлашни таъминлаш;
- Маразий банкнинг талабига биноан ҳамма ишчи хужжатларни ва уларнинг нусхаларини беришга мажбурдирлар.

Низомнинг 8.2 бандига биноан, банк кенгаши малакали аудитор жалб қилиниши учун жавобгар ҳисобланиб, аудиторлик текширувлари якунланганлигидан сўнг 10 кун муддат ичида аудиторлик ҳисоботини Марказий банкка тақдим этиш унинг мажбуриятига киради.

Хуллас, банк ва аудиторлик ташкилоти бир-бирларига ҳар томонлама ўзаро ёрдам бериши, биргаликда банк барқарорлигини таъминлаш йўллари излашлари ва камчиликларни бартараф этишлари лозим.

Банк аудити махсуслаштирилган фирмаларни ташкил этишни талаб этиб, бир қатор хусусиятларга эга бўлади. Банк ва бошқа молия - кредит уюшмаларида аудиторлик текшируви худди кредит тизимлари сингари хизмат кўрсатилаётган хўжаликда малакали текширишни ва махсус жавобгарликни талаб қилади. Аудит натижалари йиллик ҳисоботнинг тасдиқланиши, балансни чоп этиш ва кредит ташкилотларини умумий ишини баҳолашда хизмат қилар экан, аудиторлик хулосаси объектив ва туғри ёзилиши шарт. Олиб борилган аудиторлик изланишлари натижалари шуни кўрсатадики, аудиторлик текширувининг самарали бўлиши ўзаро қизиқиш ҳамда текширувчи шахс текширилаётган банк ҳисоб ва ҳисоботларининг туғрилигини таъминлаши лозим. Бунда барча камчиликларни аниқлаш ва бартараф этиш, банк ривожига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни йўқ қилиш мақсадга мувофиқдир.

Аудиторларнинг вазифаси банк фаолиятини текширишда қўйилган барча талабларни, масалаларини аниқлашга қаратилган бўлиб, бунда асосий маъсулият шундаки банк муомалаларини нотуғри бажариш ҳолатларини аниқланган ҳолларда, жорий этилган бухгалтерия ҳисоби тартиби мижоз томонидан бузилган ҳолатларда давлат бюджети ёки банкка келтирилган зарар ҳажми ҳисоблаб чиқилиши ва жавобгар шахсларидан бунинг сабаблари аниқланиши лозим.

Аудиторлик текширувини бошлашдан олдин текшири учун тегишли саволлар аниқлаб олиниши лозим. Бу саволлар томонларнинг келишуви билан тузилади ва банк фаолиятининг ҳамма томонларини ёки алоҳида бўлимларини ўзида акс эттириши мумкин.

Банкларда аудиторлик текширувини бошлашда қўйидаги маълумотлар билан танишиш лозим банк фаолиятининг ҳажми, ташкилотчилик раҳбарларининг малака даражасини, умумий ички назоратни ташкил этилиши ва ҳоказолар. Шундан сўнг аудиторлик текшируви жараёнида хатолар мавжуд бўлиши кўриб чиқилади.

Масалан, банк фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказишни режалаштириш жараёнида 1-жадвалдан фойдаланиш мумкин.

5-жадвал.

Банк баланси моддаларининг муҳимлик даражаси.⁶

Актив		Пассив	
Модда номи	Муҳимлик даражаси %	Модда номи	Муҳимлик даражаси %
Пул маблағлари	0,10	Капитал ва фондлар	5
Корреспондентлик ҳисобварақлари	0,10	Қарз бўйича йўқотишлар учун заҳиралар	15
Банк мулки	19,8	Қимматли қоғозлар баҳосини камайиши учун заҳиралара	10
Кредит ресурслари бўйича тўланган фоизлар	10	Кредитлар бўйича даромадлар	5
Қимматли қоғозлар билан муомалалар бўйича ҳаражатлар	10	Қиммат қоғозлар бўйича даромадлар	5
Келгуси давр ҳаражатлари	15	Келгуси давр даромадлари	20
Бошқа ҳаражатлар	15	Бошқа даромадлар	20
Фойдадан фойдаланиш	10	Ҳисоблашишдаги маблағлар	10
Банк томонидан берилган кредитлар	10	Мижозлар ҳисобварақларидаги маблағлар	2
Банк томонидан сотиб олинган қимматли қоғозлар	5	Депозитлар	2
Даромад келтирувчи бошқа активлар	5	Банкларо кредитлар	6
Жами	100	Жами	100

Аудиторлар банкнинг молиявий ҳолатини таҳлил қиладилар, шу жумладан, айниқса ликвидлийликни, кредит портфелининг сифатини, қимматли қоғозларга қўйилган инвестицияларни, валюта муомалаларини,

⁶ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

таснифланган ссудаларга асосланган заҳираларни, бошқарув маълумотлари (менежмент сифатини даромад ва харажатлар таркибини, маълумотлар тизимининг автоматлашганлигини) ва бошқа маълумотларни бирма бир таҳлил қилиб чиқади.

Аудиторлик фаолияти аудиторлик фирмаси раҳбарияти томонидан режалаштирилади. Аудиторлик фаолиятини режалаштириш стратегик режалаштириш ва қисмларга ажратиб режалаштириш турларига бўлинади.

Стратегик режалаштириш қўйидаги эҳтимолларни аниқлайди:

- Билим ва тажрибага асосланган иш ҳажми;
- Рискларни аниқлаш;
- Мижозларнинг хоҳиши;

Банкни текшириш жараёнида аудиторлик иш ҳажми ва аудиторлик риски даражасини баҳолашда аудиторнинг билим ва тажрибаси катта ёрдам беради.

Аудиторлик иш ҳажми аниқлангандан кейин, текширишни қайси усул ёки шаклда олиб бориш танланади.

Текширишнинг усуллари:

- Назоратнинг усулига банк бошқаруви назоратининг сифати, компьютер назорат тизимининг мавжудлиги, физик назорат ва ҳақиқий активлар (пул белгилири, қимматли қоғозлар ва бошқалар)ни текшириш киради.
- Аналитик усулга кредит суммасининг қолдиғини тасдиқлаш учун мижозларга хат билан мурожаат қилиш, муомалалар даражасининг кўтарилиши ёки пасайиши, мавжуд даромад кўрсаткичлар билан олдинги йиллар кўрсаткичларини солиштириш киради. Назорат ва аналитик усулари тез ва кам иш талаб қиладиган усуллардир.
- Малумотларни синчиклаб ўрганиш усули бухгалтерия ҳисоби хужжатларининг текширилиш натижаларини, ҳисоб ёзувларининг хужжатлар билан мослигини ва солиштирма текширувлар ўтказишни ўзида акс эттиради.

Хорижий аудиторлик фирмалари ўзлари бажарган ишларнинг ҳажми ва сифатини тасдиқловчи асосий ҳужжатлар ҳисобланадиган ишчи ҳужжатларини тузадилар. Буларнинг шакли ихтиёрий бўлиб, унда фирма бажарган ишларнинг қисқача баёни берилади, хусусан, қандай бирламчи ҳужжатлар ва ҳисобга олиш регистрлари текширилганлиги, текшириш усули ва бу ерда ёзма ёки танлов асосидалиги кўрсатилади.

Амалиётда аудиторлик фирмаларининг асосий мақсади ўзлари ўрганган ва текшириш жараёнида тўпланган маълумотлари асосида иш ҳужжатларини йиғиб борадилар. Тўпланган иш ҳужжатларига асосан корхона, фирма ва банклар учун молиявий аҳволи ва ҳисоботлари туғрисидаги хулосани бериш имкониятига эга бўладилар. Булар орқали тегишли чоралар кўрилади.

Аудиторлар ҳар бир иқтисодий субъектнинг фаолияти якуний натижалари туғрисидаги ўз иш ҳужжатларига асосланган ҳолда ва миллий стандартлар асосида ўз фикрларини билдирадилар.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари ҳар йили Марказий банкка йиллик ҳисобот топширадилар. Бинобарин йиллик ҳисобот аудиторлик хулосасисиз қабул қилинмайди ва матбуотда чоп қилишга рухсат берилмайди.

Умуман олганда, аудиторлик ҳисоботи тижорат банки раҳбари, мулкдори, иштирокчилари (акционерлари) умумий йиғилишига тақдим этиладиган, аудиторлик текширувининг бориши бухгалтерия ҳисобини юритишнинг белгиланган тартибдан аниқланган четга чиқишлар, молиявий ҳисоботдаги ҳуқуқ бузишлари туғрисида батафсил маълумотлар, шунингдек, аудиторлик текширувини ўтказиш натижасида олинган ва аудиторлик хулосасини тузиш учун асос ҳисобланадиган бошқа ахборотдан иборат бўлган ҳужжатдир. Аудиторлик хулосаси эса молиявий ҳисоботнинг ҳаққонийлиги (тўғрилиги) ва бухгалтерия ҳисобини юритиш тартибининг қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибга мувофиқлиги туғрисида аудиторлик ташилотининг фикри ёзма шаклда ифодаланган ва ҳўжалик

юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботидан фойдаланувчилар учун очик бўлган ҳужжат ҳисобланади.

Банк ҳисоботлари бўйича аудиторлик хулосаси Марказий банк аудиторлик текшируви ўтказиш бўйича қўйидаги талабларга мос шаклда тузилиши ҳамда аудиторнинг фикрини аниқ ифодалаши лозим.

Аудиторлик хулосасининг сарварағида аудиторлик ташкилотининг тулиқ номи, банк аудити билан шуғулланиш учун берилган сертификат номери, хулоса қайси банк учун берилаётган бўлса, шу банкнинг тўлиқ номи кўрсатилиши керак. Сарвараққа ташкилотнинг шу банкда аудит ўтказилиши учун маълум аудиторлар имзо чекадилар ва бу имзо муҳр билан тасдиқланади.

Аудиторлик хулосаси қўйидаги элементларни ўз ичига олади:

- Адресатнинг номи;
- Кириш қисми;
- Кайд этиш қисми;
- Якуний қисм;
- Аудиторлик хулосасини бериш санаси;
- Аудиторлик ташкилоти манзили;
- Аудитор ва аудиторлик ташкилоти раҳбарининг имзоси.

Аудиторлик хулосасининг кириш қисми аудиторлик ташкилотининг қўйидаги реквизитларини ўз ичига олиши керак:

- ✓ Аудиторлик ташкилотининг юридик манзили;
- ✓ Аудиторлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига лицензия рақами, берилган сана ва лицензия берган органнинг номи;
- ✓ Аудиторлик ташкилоти давлат рўйхатига олингани тўғрисидаги гувоҳнома рақами;
- ✓ Аудиторлик ташкилоти ҳисоб-китоб варағининг рақами;
- ✓ Аудиторлик текширувида иштирок этган аудиторнинг шунингдек, аудиторлик ташкилоти раҳбарининг исми шарифи;

✓ Кириш қисмида сана ва ҳисобот даври кўрсатилган ҳолда текширилган молиявий ҳисоботлар рўйхати келтирилиши лозим;

Аудиторлик ҳисоботининг таҳлилий қисмида қўйидагилар бўлиши шарт:

- Банк ички назорат ҳолатини текшириш натижалари;
- Бухгалтерия ҳисоби ҳолати ва молиявий ҳисоботни текшириш натижалари;
- Молиявий хўжалик фаолиятини амалга ошириш пайтида қонунчилик талабларига риоя этилишини текшириш натижалари;
- Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш ҳамда тўлашнинг тўғрилигини текшириш натижалари;
- Активларнинг бутлигини текшириш натижалари;

Тижорат банки ички назоратининг келишини текшириш натижалари тўғрисидаги ахборот қўйидагиларни ўз ичига олиши керак:

1. ички назорат тизимининг банк фаолиятининг миқёслари ва хусусияти мувофиқлиги умумий баҳоси;
2. аудиторлик текшируви натижасида аниқланган ички назорат тизимининг банк фаолиятининг миқёслари ва хусусиятига жиддий номувофиқлик баёни.

Банкларда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботи ҳолатини текшириш натижалари тўғрисидаги ахборот қўйидагиларни ўз ичига олиши керак:

•бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тузишнинг белгиланган тартибига риоя қилинишини баҳолаш;

•аудиторлик текшируви давомида аниқланган бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботини тайёрлашнинг белгиланган тартибини жиддий бузишлар баёни.

Банк томонидан молиявий хўжалик операцияларини амалга ошириш пайтида қонунларга риоя этишнинг текшириш натижалари тўғрисидаги ахборот қўйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- Тижорат банки амалга оширган молиявий хўжалик операцияларининг қонунчиликка мувофиқлигини баҳолаш;
- Аудиторлик текшируви давомида аниқланган, банк амалга оширган молиявий хўжалик операцияларининг қонунчиликка жиддий номувофиқлиги баёни.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш ва тўлашнинг тўғрилигини текшириш натижалари тўғрисидаги ахборот қўйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- Тузилган ва тегишли органларга тақдим этилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўғрилигининг баҳоси;
- Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш ва тўлашнинг белгиланган тартибини бузиш фактлари, солиқ солинадиган базани белгилаш пайтдаги четга чиқишлар баёни;

Аудиторлик ҳисоботининг якуний қисми аудиторлик ташкилотининг аниқланган четга чиқишлар ва ҳуқуқ бузишларни бартараф этишга доир тавсияларни, шунингдек хўжалик юрутувчи субъектларнинг молиявий фаолияти самарадорлигини оширишга доир таклифлари ва маслаҳатларини ўз ичига олишлари керак.

Аудиторлик ташкилоти аудиторлик ҳисоботини тузганлик учун қонун ҳужжатларга мувофиқ жавобгар бўлади.

Аудиторлик ҳисоботида келтирилган ахборот махфий ҳисобланади ва ошкор этилмаслиги керак. Аммо қонунчилик ҳужжатларига асосан тижорат банклари ва аудиторлик ташкилотлари ўртасидаги шартномаларда аудиторлик ҳисоботини Марказий банкка тақдим қилишни чекловчи моддалар бўлмаслиги лозим.

Ахборотни ошкор этганлик учун ушбу ахборотдан фойдалана оладиган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

Аудиторлик ҳулосаси 4 хил бўлади:

Изоҳсиз (ижобий) фикр банк молиявий ҳисоботи барча жиҳатлари билан молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига мос равишда ҳаққоний тақдим этилган.

Изоҳли фикр айрим сабабларни истесно қилган ҳолда, молиявий ҳисобот молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларга мос равишда ҳаққоний кўрсатилган. Фикр изоҳлаб берилади.

Ёмон фикр молиявий ҳисоботлар молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига мос равишда кўрсатилмаган. Аудитор ўз салбий фикрининг сабабларини кўрсатади.

Фикр билдиришдан воз кечиш бу ҳолда аудитор молиявий ҳисоботга фикр билдириш учун аудитни етарлича тўла ҳажмда амалга оширилмаган бўлади. Бу ҳолда аудитор аудитнинг нега халқаро стандартларга мувофиқ келмаслиги сабабларини кўрсатиши талаб қилинади.

Аудиторлик хулосаси молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларга тушунарли бўлиши, аудиторнинг ишончи комил эмаслиги ва рози эмаслиги юзага келтирган чеклашларга доир кўрсатмаларни ўз ичига олиши керак.

Қўйидаги ҳолларда аудиторлик ташкилотлари ва аудиторларнинг банк фаолияти текшируви тўғрисидаги ҳисоботи ҳақиқий ҳисобланмайди:

- А) аудиторлик ташкилоти ёки аудитор банк билан алоқадор шахс бўлса;
- Б) аудиторлик ташкилоти ёки аудиторнинг банкдан пул қарзи бўлса;
- В) аудиторлик ҳисоботи аудитор ёки аудиторлик ташкилотининг ҳисоботини шу аудиторлик текширувини ўтказган ҳамда банк фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиш аудиторлик текширувини ўтказган ҳамда банк фаолияти аудиторлик текширувидан ўтказиш ҳуқуқи учун сертификати бор аудитор имзолаган бўлса;
- Г) аудиторлик текширувининг кўлами, чегараланганлиги сабабли, аудиторлик ҳисоботи “шартли” фикрдан иборат бўлса, агар аудиторлик текширувининг кўлами чегараланганлиги банк назоратида бўлмаган тақдирда.

Банк кенгаши тижорат банки аудиторлик ҳисоботини олган вақтдан бошлаб 30 кун мобайнида аудиторлар томонидан аниқланган ички назоратга доир камчиликларни бартараф этиш ва тавсияларни бажаришга қаратилган чоралар юзасидан Марказий банкка ҳисобот бериш лозим.

Банк ҳисоботи бўйича аудиторлик хулосаси аудиторлик текшириш тақозо қилган ва Марказий банк талаб қилган шаклда қилинади ва аудиторнинг фикрини аниқ билдириши лозим.

Аудиторнинг фикри аудит қонунчилик ва Халқаро аудит стандартларига асосан ўтказилганлигини кўрсатиши керак. Аудиторнинг ҳисоботида аудит стандартларига асосан ўтказилганлиги ҳақида илова кўрсатилмаган бўлса, қонунчилик талабларга жавоб бермайдиган сифатида улар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қабул қилинмайди.

Аудит хулосасини кўриб чиқиш натижалари бўйича Марказий банк банкнинг кенгаши ва бошқарувига аудиторлик ташкилотининг аниқланган камчиликларини бартараф этиш йўли бўйича шу жумладан “изохли” фикр билдиришга олиб келган камчиликлар бўйича ва молиявий ҳисоботни Халқаро стандартни бузганлиги ҳақида хабар беради. Унда бир ой ичида тижорат банки томонидан аудиторлик ташкилоти томонидан кўрсатилган “изохланган” камчиликларни туғрилайди ва аудиторлик ташкилотидан янги хулоса олинади.

Аудиторлик хулосаси очик ахборот ҳисобланади, ундан молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларнинг ҳаммаси фойдалана олсин.

Хулоса

Маълумки, тижорат банклари фаолиятига ҳаққоний баҳо бериш ва омонатчилар, кредиторлар ва инвесторларнинг банк фаолияти тўғрисида аниқ маълумотларга эга бўлишларида аудит текширишлари муҳим аҳамиятга эгадир.

Мижознинг молиявий ҳолатини яхшилаш, инвесторлар, кредиторларни жалб этишга ёрдам беради, молия, солиқ ва бошқа соҳаларга маслаҳат беради. Аудит хулосаси барча жисмоний ва юридик шахслар учун, ҳокимият ва суд идоралари учун ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Бу хулоса матбуотда ҳам эълон қилиниши мумкин. Аудитнинг тафтишдан асосий фарқи ҳам мана шунда. Режали хўжалик юритиш усулида иқтисодий-молиявий жихатдан тўла мустақил бўлмаган корхоналарни аудит текширувлардан ўтказишга зарурат туғилмас эди. Чунки, уларни тафтиш қилишнинг ўзи етарли эд. Шунинг учун барча вазирлик, идораларда тафтиш бошқармалари фаолият юритарди.

Давлат банки тизимида ҳам тафтиш бошқармаси мавжуд бўлиб, барча давлат банки бўлимлари йилида бир марта режа асосида тафтиш қилинар эди. Бундан ташқари айрим масалалар бўйича кўзда тутилмаган тезкор текширувлар ташкил этиларди. Ўзбекистонда аудитнинг таркиб топиши мисилсиз тарихий ўзгариш бозор иқтисодиётига ўтиш билан изоҳланади. Чунки бозор иқтисодиётида тадбиркорлик субъектини бошқариш вазифаси профессионал менежерлар қўлига ўтади, натижада ташкилот молиявий ҳолатини мустақил назорат қилишга эҳтиёж туғилади. Капиталларни жамлашда акциялаштириш, қимматли қоғозлар бозорининг ривижланиши, корпоратив бошқарув тизимининг йўлга қўйилиши мустақил молиявий экспертиза натижалари ошкоралигини таъминлаш заруратини туғдиради. Чунки молиявий ҳисоботлар ташкилот билан алоқада бўлган барчани-рахбарлар, ходимлар, мијозлар, мулкдорлар, кредиторлар, инвесторлар, давлат ва ҳокимият органларини мустақил аудиторлар тасдиқлайдиган

ахборатлар қизиқтиради, ҳисоботлар бошқа ташкилотларнинг банклар билан ҳамкорлик қилиши учун ишонч уйғотади. Бинобарин мамлакатимизда аудит турли гуруҳларнинг қизиқиши ва талабларига жавоб тариқасида пайдо бўлди. Давлат эса, аудитнинг ривожланиши ва такомиллашиши учун барча чораларни кўриб бормоқда.

Тижорат банкларида ўтказилаётган аудиторлик текширишлари сифати ва таъсирчанлигини ошириш, ташқи аудит фаолиятини такомиллаштириш, аудиторлик фирмалари ўртасида эркин ва соғлом рақобат муносабатларини кучайтириш ҳамда аҳоли ва сармоядорларнинг банк тизимига бўлган ишончини янада ошириш мақсадида 1996 йил 24 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк аудити тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинган эди.

Мазкур фармон талабларини бажарилишини таъминлаш ва Республикада банк аудитини мустаҳкамлаш мақсадида ўтган давр мобайнида Марказий банк томонидан бир қатор ишлар амалга оширилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси банк тизимига кирувчи тижорат банклари аудитини ўтказиш борасидага ишларни мувофиқлаштириш мақсадида тижорат банкларига лицензиялар бериш ва улар фаолиятини тартибга солиш департаменти таркибида “Аудитни мувофиқлаштириш бўлими” ташкил этилди.

Шунингдек, мазкур Фармонга мувофиқ тижорат банкларида аудит текширувларини ўтказиш, аудиторлик фирмалари ва аудиторларга банкларда аудит ўтказишга рухсат беришнинг ҳуқуқий асосларини яратиш мақсадида Марказий банк томонидан “Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг банк аудитини ўтказишга қўядиган талаблари тўғрисида”ги, “Банк аудитини ўтказиш ҳуқуқини берувчи сертификатни бериш, бекор қилиш ва аудиторларни малака аттестациясидан ўтказиш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси банк аудитини ўтказиш учун сертификат бериш ва аудиторларни малака аттестациясидан ўтказиш комиссияси тўғрисида”ги

Низомлар ишлаб чиқилди.

Бундан ташқари “Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида ички аудит хизмати тўғрисида Низом” намунаси ишлаб чиқилди.

Сўнгги йилларда банкларда нафақат ташқи аудитга балки ички аудитга ҳам эътибор кучайтирилди. Чунки, ички аудитни қанчалик даражада сифатли ташкил этилганлиги ташқи аудит текширувлари сифатини оширади

Банкларнинг аудиторлик текширувларининг асоси бўлиб аудиторлик далилларини тўплаш усулларини тўғри танлаш ва уни тегишли маълумотларини ишончлилиги муҳим ўрин тутди. Аудитор томонидан тўплаган далиллар молиявий ҳисоботларнинг ишончлилигини бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича қоида ва низомларга мос келишини ва шу билан бирга аудиторлик хулосасини тузиш ва аудиторнинг шахсий фикрини шакллантириш мақсадида уларни умумлаштириш ва баҳолашни назарда тутди.

№ 50–“Аудиторлик далиллар” номли аудиторлик фаолиятининг миллий стандартида аудиторлик далиллари етарли ва мос бўлиши кераклиги белгилаб қўйилган. Далилларнинг мос бўлиши эса аудиторлик сифати ўлчамини баҳолайди. Аудиторлик далилларини йиғишда, аудиторлик хулосалари учун етарли бўлганлигига аҳамият қаратиш лозим

Аудитор аниқ бир хулосага келишида аудиторлик далилларини етарли деб ҳисоблайди. Ҳар қил ҳужжатлардан аудиторлик далилларини йиғади. У ўз шахсий фикрини шакллантиришда барча операцияларни текширмайди. Фақат счетлардаги пул қлдиқлари ҳамда ички назорат тизими ҳолатидан келиб чиқиб танланма текширувларни амалга ошириши мумкин. Танланма текширувда айрим хатоликлар аниқланмай қолиши мумкинлигига эътибор қаратиш зарур.

Тижорат банклари ташқи аудитида, хусусан, молиявий ҳисобот аудитини ўтказишга доир меъёрий ҳужжатларни, ишчи стандартларни ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этиш масаласи тўлиқ ҳал қилинмаган, ушу борадаги қилинадиган ишларга катта аҳамият қаратиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси “Марказий банки тўғрисида”ги Қонун. Т. “Ўзбекистон”. 1995.
2. Ўзбекистон Республикаси “Банклар ва банк фаолияти ҳақида”ги Қонуни. Т. “Ўзбекистон” 1996.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонун.-Т.: Ўзбекистон, 2000.
4. “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги “2011-2015-йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги. ПҚ-1438-сонли Қарори. “Халқ сўзи” газетаси. 2010 й.27 ноябрь
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. 2007 йил 7 ноябрь, ПҚ-726. “Халқ сўзи” газетаси. 08.11.2007 й.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони.2008 йил 28 ноябрь, №ПФ-4057.“Халқ сўзи” газетаси. 29.11.2008 й.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштиришнинг чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори Халқ сўзи. 2005 йил 15 апрел
8. Ўзбекстон Республикаси Призидентининг «Республикада банк аудитини ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. -Т.: ПФ-1500 1996 йил 24 июл. Халк сузи 1996 й 25 июль.

9.Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. Тузувчи Ф.М.Муллажанов. -Т.: Ўзбекистон, 2011. -528 б.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1999 йил 11 февралда 626-сон билан рўйхатга олинган ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқаруви томонидан 1998 йил 9 ноябрда 240-сон билан тасдиқланган “Банкларни тугатиш тартиби тўғрисида”ги Низом.

11. С. Норқобилов, О. Абдусаломова “Банкларда аудит” Тошкент “Маънавият” 2005.

12. Л.Р. Смирнова “Банковский аудит” Москва “Финансы и статистика” 2001.

13. Под редакцией Г.Н. Белоглазовой, проф. Л.П. Кроливецкой, проф. Е.А. Лебедева “Банковский аудит” Москва “Финансы и статистика” 2002.

14. М.С. Шидловская “Банковский надзор и аудит” Практикум “Высшая школа” 2003.

15. Дўсмуратов Р.Д. Аудит асослари.-Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2003.

16. Республика тижорат банкларининг молиявий ҳисоботлари маълумотлари.

17. Интернет сайтлари :

www.сбу.уз – Ўзбекистон Марказий банки.

www.финансе.уз –Молия хабарлари.

www.гов.уз – Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали.

www.ипотекабанк.уз –Ипотека банки.